

7. <http://www.zandy.ru/use.php>

8. <http://www.autokrot.ru/>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ
ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

"Тасдиқлайман"
ТАЙЛҚЭИ ректори
А.Рискулов
2020 йил 14.02



Рўхсат қилинди
№ БД 5313100-4.02
2020 йил 14.02

АВТОМОБИЛЛАР ТЕХНИК ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ВА СЕРВИСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	300000 – Ишлаб чиқариш техник соҳа
Таълим соҳаси:	310000 – Мухандислик иши
Таълим йўналиши:	5313100 – Автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари ва жихозларининг эксплуатацияси (автомобиль транспорти бўйича)
	5310600 – Ер усти транспорт тизимлари ва уларининг эксплуатацияси (автомобиль транспорти)

Тошкент – 2020

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил "14" 02 даги "1" - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил "4" 05 даги 285 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ш.П. Магдиев - ТАЙЛҚЭИ, "Автомобиль транспорти эксплуатацияси" кафедраси катта ўқитувчиси

Т. Кодиршоев - ТАЙЛҚЭИ, "Автомобиль транспорти эксплуатацияси" кафедрасининг доценти, т.ф.н.

М.Р. Алимов - ТАЙЛҚЭИ, "Автомобиль транспорти эксплуатацияси" кафедрасининг ассистенти

Такризчилар:

Э.К. Умаров - "HiTech МЧЖ" нинг директор ўринбосари доц., т.ф.н.

А.А.Тожибоев - ТАЙЛҚЭИ, "Автомобиль транспорти эксплуатацияси" кафедрасининг доценти, т.ф.н.

Фан дастури Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган (2020 йил "15" 12 даги "3" - сонли баённома).

- Автосервис корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
- Автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари.
- Автомобилларни сотишга тайёрлаш ва кафолатли техник хизмат кўрсатиш.
- Автосервис корхоналарининг ташкилий тузилмаси, уларда меҳнатнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқариш мезонлари.

VIII. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. James D. Halderman. AUTOMOTIVE TECHNOLOGY. Principles, Diagnosis, and Service. FOURTH EDITION. Copyright © 2012, 2009, 2003, 1999 Pearson Education, Inc., publishing as Pearson Education, 1 Lake Street, Upper Saddle River, New Jersey 07458.

2. Автомобиллар техник эксплуатацияси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги автотранспорт олий ўқув юртлири талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган. Проф. Сидикназаров Қ.М. умумий таҳрири остида, Тошкент "VORIS-NASHRIYOT", 2008. – 560 б.

3. Техническая эксплуатация автомобилей. Учебник для Вузов. Под ред. проф. Е.С. Кузнецова. М: Наука, 2001 г.

4. Hamraqulov O., Magdiyev Sh. Avtomobillarning texnik ekspluatatsiyasi. Toshkent, 2005 yil.

5. Avtotransport vositalari servisi. Servis korxonalarini texnologik jihozlash. M.A.Ikromov va boshqalar. Toshkent: TAYI, "Rizayev X. XK" 2014. -160 b.

Қўшимча адабиётлар

6. Mirziyoev Sh.M. "Taraqqiyot yo'limizning shiddati oshaveradi" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi. //Xalq so'zi gazetasi. 2018 yil 29 dekabr №271-272 yengisi kerak

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha HAKAKTLAR STRATEGIYASI" to'g'risidagi Farmoni.

8. Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти ҳаракат таркибига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисидаги низом. Тошкент, 1999 й.

9. Автомобиллар сервис асослари, Дарслик, Хамракулов О. Назаркулов Я.П., Магдиев Ш.П., Кодиршаев Т. Тошкент, «Фан» нашриёти, 2007 г. 176 б.

10. Автотранспорт воситалари сервиси. М.А.Икрамов ва бошқалар, Тошкент: А.Навоий кут. 2010. - 266 б.

Интернет сайтлари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат партали.
2. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. <http://www.motorpage.ru>
4. <http://auto.ru/>
5. <http://www.nissan.ru>

- Автомобилларнинг техник ҳолатини эксплуатация жараёнида ўзгариши.
- Техник ҳолатни ишлаш даврига қараб ўзгариши. Автомобилнинг ишончлилик кўрсаткичлари.
- Режали-оголантирувчи тизимнинг вазифалари ва асослари. "Автомобилларга ТХК ва таъмирлаш ҳақида низо".
- Автомобилларга сервис китобчаси бўйича хизмат кўрсатишни ташкил этиш.
- GM-Uzbekiston, Мерседес-Бенц ва Исузу автомобиллари сервисини ташкил қилиш технологияси
- Автомобилларнинг қирланиши, унинг асосий сабаблари ва оқибатлари, автомобилни турларига кўра йиғиштириш ва ювиш усулларидан фойдаланиш.
- Автомобилларнинг кузови ва кабиналарини таъмирлаш ишлари технологияси.
- Двигателнинг қривошип-шатун (КШМ) ва газ таксимлаш (ГТМ) механизмлари носозликлари, уларнинг аломатлари ва қелиб чиқиш сабаблари.
- Двигателни назорат-қаров ва диагностикалаш ишлари технологияси.
- Совитиш ва мойлаш тизими носозликлари, тизимга ТХК ва ЖТ ишлари технологияси.
- ГБА ни таъминлаш тизими носозликлари, уларнинг аломатлари ва қелиб чиқиш сабаблари, тизимга ТХК ва Т ишлари технологияси.
- Ижекторли двигателларнинг ёнили таъминот тизими носозликлар, уларнинг аломатлари ва қелиб чиқиш сабаблари, тизимга ТХК ва Т ишлари технологияси.
- Аккумулятор батареяларида (АКБ) учрайдиган асосий носозликлар ва унинг аломатлари, тизимга ТХК ва Т технологияси.
- Ўт олдириш тизими ва электр асбобларида учрайдиган носозликлар ва уларнинг аломатлари, генератор, ток тўғрилагич, релесозлагич, стартер, электр симлари, ўлчовчи-назорат ёритиш асбобларига ТХК ва Т ишлари технологияси.
- Трансмиссия агрегатларининг асосий носозликлари ва уларнинг аломатлари, ТХК ва Т ишлари технологияси.
- Тўхтатиш тизими асосий носозликлари, тизимга ТХК ва Т технологияси.
- Рул бошармасида учрайдиган асосий носозликлар, унга ТХК ва Т технологияси.
- Юриш қисмида учрайдиган асосий носозликлар ва уларнинг аломатлари, тизимга ТХК ва Т ишлари технологияси.
- Шиналарнинг асосий носозликлари, уларга ТХК ва Т технологияси.
- Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш (ТХК) ва таъмирлаш технологик жараёни ва уни ташкил этиш усуллари.
- Кўтариш, ташиш ва қараш, ажратиш-йиғиш ишлари технологик жараёни.
- ТХК ва Т да қўлланиладиган жиҳозлар ва қурилмалар.
- Автомобиллардан турли илим шароитида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Автомобиль транспортни махсус жиҳозларига ТХК ва Т тизими.
- АТК ларда моддий техник таъминоти хизмати вазифалари.
- Автомобиллар сервис-автомобилларга хизмат кўрсатишнинг умум тан олинган усули.
- Автосервис корхоналари ва уларнинг таърифи.
- Автосервис хизматига қўйиладиган талаблар ва уларни белиловчи ҳужжатлар.
- Фирма усулидаги автосервис хизмати.

1. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастурда "Автомобиллар техник эксплуатацияси ва сервис" фанининг мазмуни, предмети ва методи, унинг мақсади ва вазифалари, касбга малакавий ва ахлоқий талаблар каби мавзулар узвийлик ва узлуксизлик нуктаи-назаридан мантикий кетма-кетликда ўз аксини топган. Фанни чуқур ўрганиш тегишли соҳалар муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Фанни ўқитишда тайёрланаётган кенг қамровли мутахассисга автомобилларнинг техник сервис соҳасида автомобиллар ишончилигини юқори даражада сақлашни, техник ҳолатини тиклашни таъминлайдиган техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, уларнинг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш муаммолари ҳақида назарий ва амалий билимлар бериш, унда фанга, ўз касбига қизиқишни орттириш, меҳр оқибат каби сифатларни шакллантирилади.

II. Фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад талабаларда замонавий автомобилларнинг техник эксплуатацияси ва сервисини иктисодий аҳамиятини чуқур англаш ва унинг таркиби ҳамда ишлаб чиқаришни талаб даражасида ташкил этиш тўғрисида илмий-амалий билимлар тизимини шакллантириш, уни ўқитишда илмий-текшириш ишларида, ишлаб чиқаришда орттирилган кўп йиллик тажрибадан фойдаланиб, бозор иктисодиёти шароитида автомобил транспортининг ривожланиши ва ундан техник фойдаланиш масалалари ҳамда мамлакатимиз ва чет эллар тажрибалари, автомобил транспортига техник хизмат кўрсатиш, жорий таъмирлаш, сервис ва ривожланиш истикболи масалалари талабаларга ўргатилади.

Олий таълим Давлат стандартига асосан бакалаврлар:

- автомобил транспорти эксплуатацияси ва сервисининг жамиятдаги ўрни ва социал-иқтисодий аҳамияти;
- соҳадаги Давлат сиёсати ҳамда уларнинг мамлакатимиз ва жаҳонда ривожланиш тенденцияси ва истикболлари;
- автотранспорт воситалари эксплуатацияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича асосий тушунчалар;
- техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш режали оголантирув тизимининг асосий тамойиллари;
- автотранспорт воситаларидаги асосий носозликларни бартараф этиш;
- автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологияси;
- автосервиснинг асосий хизмат кўрсатиш турлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- соҳадаги чет эл ва мамлакатдаги илмий-техник тараққиёт ҳақидаги маълумотни тизимлаштириш;
- автотранспорт воситалари эксплуатация шароитларини аниқлаш;

- автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологик жараёни;
- соҳадаги мавжуд асосий ҳуқуқий, меъёрий-техник ва технологик ҳужжатларни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун ишлар рўйхати-таркибини аниқлаш;
- автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологик жараёнини ташкил этиш усуллари;
- корхона фаолияти, хизмат кўрсатиш сифати ва унинг рақобат бардошлигини иқтисодий баҳолаш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-модул. Автомобиллар техник эксплуатацияси

1-мавзу. “Автомобиллар техник эксплуатацияси ва сервис” фанининг предмети, вазифалари ва манбалари

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини янада ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Фанининг мақсади, вазифалари ва асосий бўлимлари. Автомобиллар ишлаш қобилиятини таъминлаш, ресурсларни тежаш ҳамда атроф муҳитга чиқаётган захарли моддалар миқдорини камайтиришда техник сервис ва таъмирлаш ишларининг тутган ўрни. Автомобилларнинг техник сервисини ривожланиши йўналишлари ва истикболлари.

2-мавзу. Автомобилларнинг техник ҳолати ва ишлаш қобилиятини эксплуатация жараёнида ўзгариши

Автомобилларнинг техник ҳолати ва ишлаш қобилиятини эксплуатация жараёнида ўзгариши сабаблари. Автомобил техник ҳолатини ўзгариши таснифи. Техник ҳолатни ишлаш даврига қараб ўзгариши.

3-мавзу. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизими

Режали-огоҳлантирувчи тизимнинг вазифалари ва асослари. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳақидаги Низом”. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш турлари. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимининг келажақдаги таракқиёти.

4-мавзу. Автомобиль кузови ва кабинасида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси

Автомобилларнинг ифлосланиши, унинг асосий сабаблари, оқибатлари. Автомобилларни йиғиштириш ва ювиш усуллари, қўлланиладиган жиҳозлар, уларнинг тузилиши. Йиғиштириш ва ювиш ишларини механизациялаштириш. Ювишда ишлатилган сувдан қайта фойдаланиш. Кузов ва кабинани таъмирлашда бажариладиган ишлар технологияси.

8. Газда ишловчи двигателларнинг ёнилғи таъминот тизими техник сервис технологияси.
9. Дизель двигателларини совутиш тизими техник сервис технологияси.
10. Электр жиҳозлари техник сервис технологияси.
11. Тормоз тизими техник сервис технологияси.
12. Автомобилларнинг илашиш техник сервис технологияси.
13. Рул бошқармаси техник сервис технологияси.
14. Автомобилнинг олдинги гилдиракларини ўрнатиш бурчакларини аниқлаш ва созлаш технологияси.
15. Автомобил шиналари техник сервис ва жорий таъмирлаш технологияси.
16. Автотранспорт корхонасида автомобилларни жорий таъмирлаш технологик жараёнини ташкил этиш
17. Совуқ иқлим шароитида двигателни ўт олишини осонлаштириш воситалари ва автомобилларни қишда сақлаш усуллари танлаш.
18. Бензинда ишловчи двигателлардан чиқадиган чиқинди газлар таркибидаги захарли бирикмалар миқдорини аниқлаш.
19. Дизель ёнилғисидан ишловчи двигателлардан чиқадиган чиқинди газларнинг туташ даражасини аниқлаш.

2-модул. Автомобиллар сервис бўйича

1. Автомобилларга сервис хизмат кўрсатишни ташкил этиш технологияси.
2. Автосервис корхоналарининг технологик жиҳозлари.
3. Автомобилларни сервис хизматига қабул қилиш ва эгасига қайтариш.
4. Автосервис корхоналарини бошқариш тизимининг таркибий тузилиши.
5. Автосервис корхоналарининг технологик ҳужжатлари.

V. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар 2-модуль бўйича автосервис корхоналарида автомобиль кузовини таъмирлаш ва бўяш ишларига бағишланади. Машғулотлар кафедра ёки филиалларда ташкил этилган лаборатория ва амалий машғулотларни ўтишга мослаштирилган базада ўтилади.

VI. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил ишни бажаришдан мақсад - фан бўйича маъруза, тажриба ва амалий машғулотларда олинган назарий ва амалий билимларини илм ва техника янгиликларини ҳисобга олиб мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришдан иборат. Мустақил иш тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олиб ёзма - реферат, график ҳисобий иш ва х.к. шаклда расмийлаштирилади. Талабанинг ёзма иш ўрнига стенд, дастурий материал, демонстрацион қурилмалар яратиши рағбатлантирилади. Мустақил ишлар турли ахборот манбааларидан, жумладан адабиётлар, журнал мақолалари, компьютер манбаалари (Интернет) ва шу қабилардан фойдаланиб, ўрганилаётган фан бўйича янада чуқур билим олишни таъминлайди.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар

- Республикада автомобиль саноати ва транспортини ривожланиши.

22-мавзу. Автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жихозлари

Автомобилларни тозалаш, ювиш ва қуриштириш участкаси, қабул қилиш ва эгасига топшириш, диагностика техник хизматини бажариш, таъмирлаш постлари. Кузовларни таъмирлаш, танлаш ва бўяш участкалари ва у ерда қўлланиладиган жихозлар. Ёрдамчи участкалар: омбор-хўжалик, электро-иссиқлик, сув таъминоти ва тозалаш тизими. Мижозлар учун хоналар ва хизмат пунктлари. Савдо-тижорат шохобчалари: сотиладиган автомобиллар, эҳтиёт қисмлар омборлари, дўконлар, автосалонлар.

23-мавзу. Автомобилларни сотишга тайёрлаш ва кафолатли техник хизмат кўрсатиш

Автосавдо жойлари. Сотилган олди техник хизмати технологияси. Кафолатли техник хизмат кўрсатиш ишлари. Кафолат давридан сўнгги техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.

24-мавзу. Автосервис корхоналарининг ташкилий тузилмаси, уларда меҳнатнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқариш мезонлари

Автомарказлар, АТХКС лари, автодистрибьюторларнинг ташкилий тузилишлари ва жойлашуви. Ишчилар меҳнатини самарали ташкил этиш шакллари. Ишчи ходимларни бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-руҳий муаммолари. Самарали меҳнат қилиш мезонлари. Ўзбекистон автосервиси муаммолари ва истикболлари ҳамда чет эл тажрибалари

IV. Лаборатория машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Автомобиллар техник эксплуатацияси ва сервиси фанидан лаборатория машғулоти замонавий автомобилларда, компьютер ва ўқитишнинг техник воситалари билан жихозланган махсус аудиториялар, лаборатория хоналари ҳамда етакчи автотранспорт корхоналарида ўтказилади. Лаборатория машғулотларини ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар тайёрланади, унда ишнинг мақсади, мазмуни, бажариш тартиби, ишлатиладиган жихозлар келтирилган бўлиб, ўз ичига қуйидаги мавзуларни олади:

1-модул. Автомобиллар техник эксплуатацияси бўйича

1. GM-Uzbekiston автомобиллари техник сервиси технологияси.
2. Isuzu автомобиллари техник сервиси технологияси.
3. Mercedes Bens автомобиллари техник сервиси технологияси.
4. Автомобилларга кундалик хизмат кўрсатиш технологик жараёнини ташкил этиш.
5. Автомобиллар техник сервисида мойлаш ишлари технологияси.
6. Карбюраторли ва инжекторли двигателларнинг ёнилғи таъминлаш тизими техник сервиси технологияси.
7. Дизель двигателларнинг ёнилғи таъминлаш тизими техник сервиси технологияси.

5-мавзу. Автомобиль двигателяга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси

Двигателни назорат-каров ва унга умумий диагноз қўйиш ишлари технологияси. Кривошип-шатун ва газ таксимлаш механизмларида учрайдиган асосий носозликлар, уларнинг аломатлари ва келиб чиқиш сабаблари. Кривошип-шатун ва газ таксимлаш механизмларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг мазмуни.

6-мавзу. Автомобиль двигателининг совитиш ва мойлаш тизимига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси

Совитиш тизимида учрайдиган асосий носозликлар, уларнинг аломатлари ва келиб чиқиш сабаблари. Совитиш тизимида Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси. Мойлаш тизимида учрайдиган носозликлар, уларнинг аломатлари, келиб чиқиш сабаблари. Тизимга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси. Қўлланиладиган жихозлар.

7-мавзу. Автомобиль двигателининг ёнилғи таъминлаш тизимига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси

Двигателларнинг ёнилғи таъминлаш тизими. Таъминлаш тизимида учрайдиган асосий носозликлар, уларнинг аломатлари ва келиб чиқиш сабаблари. Таъминлаш тизимида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш технологияси. Замонавий ёнилғи таъминот тизимларига (бензинли, дизелли, газли ва ҳ.к.) техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг ўзига хослиги.

8-мавзу. Автомобилнинг электр ва электрон жихозларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси

Аккумулятор батареяларида (АКБ) учрайдиган асосий носозликлар ва унинг аломатлари. АКБ га техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологияси, унда қўлланиладиган жихозлар. Ўт олдириш тизимидаги учрайдиган асосий носозликлар ва уларнинг аломатлари. Тизимга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологияси. Ишлатиладиган жихозлар. Электр жихозларида, генератор, ток тўғрилагич, реле-созлагич, стартер, электр симлари, ўлчовчи-назорат ва ёритиш асбобларида учрайдиган носозликлар ва уларнинг аломатлари, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси. Электрон бошқарув тизимидаги носозликлар ва уларни бартараф этиш.

9-мавзу. Автомобилнинг трансмиссиясига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси

Трансмиссиядаги асосий агрегатлар (илашиб муфтаси, узатмалар қутиси, тарқатиш қутиси, карданли узатма, асосий узатма ва ҳ.к.) бўйича учрайдиган носозликлар ва уларнинг аломатлари. Трансмиссия агрегатларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси. Автоматик узатмалар қутиси техник сервиси ва уни таъмирлаш технологиясининг ўзига хослиги.

**10-мавзу. Автомобилнинг бошқариш механизмларига техник
хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси**

Рул бошқармасида учрайдиган асосий носозликлар ва уларнинг аломатлари. Унга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси. Тормоз тизими, унинг турлари, учрайдиган асосий носозликлари ва уларнинг аломатлари. Тормоз тизимига қўйиладиган асосий талаблар. Тормоз тизимига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси.

**11-мавзу. Автомобилнинг юриш қисмига техник хизмат кўрсатиш
ва таъмирлаш ишлари технологияси**

Юриш қисмида учрайдиган асосий носозликлар ва уларнинг аломатлари. Юриш қисмига* техник хизмат кўрсатиш ишлари технологияси. Гидиракларнинг ўрнатиш бурчакларини текшириш ва сошлаш технологияси. Амортизатор ва гидиракларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари (статик, динамик мувозанатлаш) технологияси. Шиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси.

**12-мавзу. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш
технологик жараёни ҳамда уни ташкил қилиш**

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш технологик жараёни ҳақида умумий тушунча ва унинг тавсифи. Таъмирлаш ишлари технологик жараёнини ташкил қилиш.

**13-мавзу. Турли табиий-иклим шароитида автомобиллардан
фойдаланишни таъминлаш**

Автомобиллардан турли иклим шароитида фойдаланишда уларнинг ишлаш қобилиятини ва ишонччилик кўрсаткичларини ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Автомобилларни ишлаш шароитига мослаштириш. Совуқ иклим шароитида автомобилларни сақлаш ва сақлаш анжомларидан фойдаланиш усуллари. Иссиқ ва чангли иклим ҳамда ва тоғ шароитларида автомобиллардан техник фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари. Оғир шароитларда автомобилларни ишга яроқли ҳолда ушлаб туриш учун қўйиладиган чора тадбирлар.

**14-мавзу. Ихтисослаштирилган ҳаракатдаги қисмга техник хизмат
кўрсатиш ва таъмирлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ихтисослаштирилган ҳаракатдаги қисмнинг махсус жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизими. Ўзи ағдаргич, кўтариш механизмлари, фургон, автоцистерна ва рефрижераторларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси.

15-мавзу. Автотранспорт корхоналарида моддий-техника таъминоти

Ёнилғини ташиб келиш, сақлаш ва тарқатиш. Ёнилғи сарфини меъёрлаш. Мойлаш маҳсулотлари, шиналар, эҳтиёт қисмлар ва эксплуатация ашёларини, техник материалларни ташиб келиш, сақлаш ва тарқатиш ҳамда уларнинг сарфини меъёрлаш.

**16-мавзу. Автомобиль транспортини атроф муҳитга, аҳолига ва
ишловчиларга салбий таъсирини камайтириш**

Автомобиль транспортини экологиклиги ҳақида тушунча. Автомобиль транспортини аҳолига, ишловчиларга ва атроф муҳитга зарарли таъсири. Автомобилларни экологиклигига уларнинг техник ҳолатининг таъсири. Двигател чикинди газларининг заҳарлилигини камайтириш йўллари.

2-модул. Автомобиллар сервис

**17-мавзу. Автомобиллар сервис-автомобилларга хизмат кўрсатишнинг
умум тан олинган усулидир**

Автомобилларга сервис усулида хизмат кўрсатиш тўғрисида тушунча, унинг моҳияти, дунёда ва мамлакатимизда пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида маълумотлар. Автомобил сервисининг иқтисодий - ижтимоий аҳамияти. Автотеххизмат турлари ва таърифи.

18-мавзу. Автосервис корхоналари ва уларнинг таърифи

Автосервис корхоналарининг турлари ва турланиш мезонлари. Автосавдо базалари, салонлари ва дўконлари, автодилерлар. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналари. Автосақлаш жойлари, гаражлар. Корхоналарнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари: ишлаб чиқариш қуввати, хизмат қобилияти, иш унуми ва ҳ.к

**19-мавзу. Автосервис хизматида қўйиладиган талаблар ва уларни
белгиловчи ҳужжатлар**

Автосервис хизмати сифати тўғрисида тушунча. Ишлар сифати ва хизмат маданияти. Давлат, тармоқ ва корхоналарнинг хизматлари сифатини белгиловчи ва қафолатловчи стандартлари, хавфсизлик ва экологик талаблари. Автосервис сифатини таъминлаш учун зарур бўлган техник-технологик ҳужжатлар.

20-мавзу. Фирма усулидаги автосервис хизмати

Фирма усулидаги автосервис хизмати тўғрисида тушунча ва унинг соҳадаги етакчи ўрни. Фирма усулидаги автосервиснинг ташкил этилиш усуллари ва мезонлари, асосий талаблари ва ҳолатлари.

Фирма усулидаги автосервисни жаҳон автомобиллар бозорларидаги роли ва аҳамияти. Ўзбекистонда фирма усулидаги автосервис.

21-мавзу. Автосервис корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш

Автомарказлар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларида ишлаб чиқариш: автомобилларни ювиш, қуритиш, тозалаш, хизматга қабул қилиш, диагностика, техник хизмат ва таъмирлаш жараёнларини ташкил этиш тартиби асослари ва талаблари. Автомобилларни хизматга қабул қилиш ва эгасига топшириш тартиби ва қоидалари. Мижозлар билан ишлаш ва хизмат маданияти.